

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 339.187.62 (575.1)

ҲАЗРАТҚУЛОВ ОДИЛБЕК ТУРСУНОВИЧ

**ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фукаролик ҳуқуки; оила ҳуқуки; фукаролик жараёни;
халқаро хусусий ҳукук

Юридик фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг "Халқаро хусусий хукук" кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

юридик фанлари доктори
Гулямов Сайдилла Саидхаррович

Расмий оппонентлар:

юридик фанлари доктори, профессор
Шодманов Фурқат Юсупович

юридик фанлари номзоди
Норматов Нуритдин Соатмуродович

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Республика юристлар малакасини ошириш
Маркази

Химоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти кошидаги юридик фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиши учун диссертациялар химояси бўйича Д 016.15.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2006 йил 15 ноябр куни соат 10⁰⁰ даги йигилишида бўлиб ўтади (700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси 35-үй).

Автореферат 2006 йил "04" октябрда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий
котиби, юридик фанлари номзоди



Туребеков Тимур
Мырзалиевич

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар натижаси сифатида кичик ва ўрга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш масалалари хамда кишлөк хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий кўллаб-куватлашга қаратилган тадбирлар лизинг муносабатларини иқтисодиётта жорий этиш заруриятини кун тартибига кўйди. Молиявий инкиrozга учраган ёки айланма маблаги бўлмаган корхоналар лизинг орқали асосий ишлаб чиқариш воситаларини тездан янгилаш, замонавий технологияларни корхоналарга жорий этиш ва шу асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати хамда ҳажмини кескин оширади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: "Биз янги иш бошлигаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва жихозлар сотиб олишга имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз", – деб бир неча марта таъкидлаб ўтган¹.

Лизинг ўтган киска муддат ичидаги республикамиз иқтисодиётига ўз тасирини ўтказа олди ва ҳозирда мазкур шартномавий муносабат орқали тадбиркорлик субъектларига тегишли тартибда техника ва технологиялар етказиб берилмоқда². Бирок, хукумат томонидан лизинг фаолиятини кўллаб-куватлашга ва уни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, дехқон-фермер хўжаликлари лизинг имкониятларидан лизинг даражада фойдалана олишмайти. Лизинг компаниялари томонидан лизинг олувчиilar талабларини тўлалигича кондира олмаслик ёки уларга ўта киммат лизинг хизматларини таклиф этишлари бунинг асосий сабабларидан бири хисобланади. Шу билан бир каторда лизинг шартномасини тузиш жараёнида шартнома субъектлари томонидан лизинг шартномасининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслик ва лизинг қонунчилигидаги ноаниқларнинг мавжудлиги ёки конундаги бъязи нормалар шартнома субъектлари хукукларини бир томонлама ҳимоя қилишга қаратилганилиги лизинг муносабатларининг янада тарақкий этишига тўскинилк кильмоқда. Натижада, республикамиз вилоятларида фаолият олиб борувчи дехқон, фермер хўжаликлари ва бошка тадбиркорлик субъектларининг ўзлари учун куляй бўлган лизинг бўлгандан эътибори сусайиб бормоқда. Мисол учун дехқон, фермер хўжаликларини лизинг асосида техника билан таъминлаш бўйича давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ

¹ Каранг: Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир". 2002 йил мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришининг асосий йўналишларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг маъжлисидаги маъруzasи // Миллий таълим. 21.02. 2003. - №3.

² Марказий Осиёда лизинг муносабатларини ривожлантириш бўйича лойиҳа тартиби 2003 йилда олинилган лизинг операцияларининг 75,2 фоизи кишлек хўжалиги техникасини, 9,6 фоизи ишлаб чиқарни ускуналарини, 3,9 фоизи йўловчи автотранспортни, 4,5 фоизи компютер ва ташкилил техника анжомлари, 0,2 фоизи кўчмас мулкни, 0,9 фоизи тиббиёт ускуналарини ва 5,6 фоизи бошка турдаги ускуналарини ташкил этади. Каранг: "Обзор законодательства о лизинге в Центральной Азии" // Ж. Лизинг в Центральной Азии (IFC), 2004. - №5. - 6-78.

фойдаланмаслик оқибатида кейинги икки йил давомида Фарғона вилояти бўйича лизинг шартномаси орқали 85 та техника олган холос³.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов, лизинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишлар ва микролизинг хизматларининг доирасини кенгайтириш ҳусусида ўз маърузаларида бир неча бор тўхталиб ўтган⁴. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар лизинг амалиётини чукур ўрганиш, лизинг бозорини янада ривожлантириш истиқболларини белгилашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда лизинг шартномаси ва мазкур шартномавий муносабатни илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берувчи хукукий адабиётларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги ҳамда лизинг бозорини ривожланишига таъсир кўрсатувчи концепция яратиш заруратининг мавжудлиги мавзу юзасидан атрофлича тадқикот олиб боришини такозо этади. Бундан ташқари, лизинг шартномасини хукукий тартибга солувчи миллий қонунчиликни халкаро конвенция нормалари билан уйғулаштириш ва ривожланган давлатлар қонунчилигини таҳлил этиш орқали уларнинг изжобий натижаларини Ўзбекистон лизинг амалиётига тадбиқ этиш лозим.

Шу боис, мамлакатнинг инвестицион кўркамлигини ошириш ҳамда лизинг муносабатлари субъектлари хукукларини ҳар тарафлама химоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг лизинг тўғрисидаги қонунчилигини ислоҳ этиш зарур. Ўзбекистон Республикасида лизинг соҳасидаги муносабатларни хукукий тартибга солиш назарияси ва амалиётида муайян бўшлиқлар ҳамда мунозарали масалаларнинг мавжудлиги диссертация мавзусининг назарий ва амалий жиҳатдан долзарб эканлигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Англия, Япония ва Европа иттифоқидаги мамлакатларда лизинг муносабатларининг ривожланиши тарихи бир неча асрлардан бўён ўрганиб келинмоқда. Мазкур давлатларнинг олимлари лизинг муносабатларидаги муаммоларни комплекс тарзда ўрганишга алоҳида эътибор қартишган. Улардан қуйидаги хукукшунос олимларни келтиришимиз мумкин: Barbara B.Low, Derek R.Soper, Ewen Cameron, Howard E.Kane, M.Giovanoli, Peter A.Levy, Richard F.Vancil, Richard

³ Карап: Каримов И.А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш-асосий мезон. Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. 16.10.2004. - №216 (3491). - 2 б.

⁴ Карап: "Бутун республикамида бор-йўғи ўн иккита лизинг ташкилоти тузилганига, амалда уларнинг факат тўрттаси лизинг фаолияти билан шугулланәтганига нима деса бўлади? 1999 йилда лизинг компаниялари орқали аттига 20 та лойиҳа амалга оширилганли, инвестициянинг умумий ҳажмиди лизинг салтмоғининг мутлақо камлиги билан қандай муроса қилиш мумкин?" Президент И.А.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунларни ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда ислохотларни чукурлаштиришнинг устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маъруzasи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2005 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунларни ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида"ги мажлис карори // Ҳалқ сўзи. 15.03.2006. - №31 (3830). - 1,2 б.

M.Contino., Robert M.Munro, Thomas H.Fraerman, Frank J.Fabozzi⁵ ва бошқалар.

МДХ давлатларида ҳам лизинг муаммоларига бағишилантан маҳсус адабиётлар боскичма-боскич күпайиб бормоқда. Хусусан, Витрянский В.В., Газман В., Груздева А.А., Кабатова Е.В., Комаров В., Коннова Т.А., Кукушкин В.М., Лисименко И.Г., Решетник И.А., Суханов Е.А., Харитонова Ю.С., Шаталов С.С. ва бошқалар лизинг муносабатларига доир муаммолар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган⁶.

Хусусан, О.Е.Блинковнинг номзодлик диссертацияси кўчмас мулк лизингини хукукий тартибга солишга қаратилган⁷. Л.Ю.Василевская Германия ва Россия давлатлари лизинг тажрибасининг Ҷиёсий таълими устида тадбибот олиб борган⁸.

Ўзбекистонда мазкур муаммонинг турли жиҳатларига етарли даражада эътибор қаратилмаган. Мавзуга доир чиқарилган адабиётларни икки йўналишга, яъни иктисадий ва юридик тадқиқотлар натижасида олинган адабиётларга ажратиши мумкин. Биринчи йўналиш бўйича Собиров О.Ш., Кулжонов О.М., Фозибеков Д.Ф. ва бошқа муаллифларнинг ишларини келтиришимиз мумкин⁹.

Лизинг муносабатларининг хукукий жиҳатларига миллий цивилист олимлардан Ш.М.Асьянов, И.Андроев, С.Б.Бобокулов, С.С.Гулямов, И.Б.Зокиров, Н.С.Норматов, Ф.Х.Отахонов, Х.Р.Рахмонкулов, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Ю.Шодманов, Ш.Ш.Шораҳметов, М.Х.Боротов ва бошқалар ўз эътиборларини қаратишган¹⁰.

⁵ Қаранг: Barbara B.Low. Leasing Sourcebook, The Directory of the U.S. Capital Equipment Leasing Industry. – Cleveland, Ohio: –1994., Derek R.Soper, Robert M.Munro, Ewen Cameron. The Leasing handbook. – London: Sweet & Maxwell, 1993., Richard F.Vancil. Leasing of Industrial Equipment. – New York: Norton, 1963. - 389 p., Giovanoli M. Le credit-bail (leasing) en Europe: developpement et nature juridique. – Paris.: –1980., Richard M.Contino. Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal. – New York./ McGraw-Hill, 1995., Howard E.Kane., Peter A.Levy, Thomas H.Fraerman. Illinois Real Estate Leasing Forms: Practice // Publisher: LEXIS Law Pub. Date: January. –1994., Frank J.Fabozzi. Equipment Leasing. – New York.: Dow-Jones, 1997. -132 p.

⁶ Қаранг: Витрянский В.В. Договор аренды и его виды: прокат, фрахтование на время, аренда зданий, сооружений и предприятий, лизинг. – М.: Статут, 1999., Груздева А.А. Лизинг в гражданском праве России: Автореф. дис... канд. юр. наук. – Саратов, 2000. - 36 с., Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998., Комаров В. Инвестиции и лизинг в СНГ. – М.: Финансы и статистика, 2001., Коннова Т.А. Финансовая аренда (лизинг) // Гражданское право. Часть вторая: Учебник / Под общ. ред. А.Г. Каллина. – М.: Инфра-М, 2000., Кукушкин В.М. Правовое регулирование лизинговых отношений в Российской Федерации. Автореф. дис... канд. юр. наук. – Екатеринбург: 2005. - 24 с., Лисименко И.Г. Договор лизинга в российском гражданском праве: Автореф. дис... канд. юр. наук. – Волгоград: 1999., Решетник И.А. Гражданское-правовое регулирование лизингов в Российской Федерации: Дис. канд. юрид. наук. – Пермь: –1998., Харитонова Ю.С. Финансовая аренда (лизинг). – М.: Законодательство, 1998. - 224 с., Шаталов С.С. Новая концепция юридической природы лизинговых отношений // Ж. Юрист, 2001. №1.

⁷ Қаранг: Блинков О.Е. Правовое регулирование финансовой аренды (лизинга) недвижимости: Автореф. дис... канд. юр. наук. – Рязань: 2000. - 33 с.

⁸ Қаранг: Василевская Л.Ю.Лизинг в Германии и России: опыт сравнительного правового исследования. Автореф. дис... канд. юр. наук. – М., МГУ, 2002. - 25 с.

⁹ Қаранг: Д.Ф.Фозибеков, О.Ш.Собиров, А.Г.Мўминов, О.М.Кулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004.

¹⁰ Қаранг: Асьянов.Ш.М. Лизинг – особый вид договора имущественного найма. – Т.: Эволюция договорного права, 1997. Бобокулов С.Б. Лизинг шартномасини хукукий тартибга солишнинг баззи бир жиҳатлари // Ж. Давлат ва хукук, 2000. №4., Гулямов С.С. Халкаро савдо хукуки. – Т.: Шарқ, 2002., Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик хукуки: Даирслик. – Т.: Адолат, 1996.

Жумладан, Р.Ж.Рўзиев ўз илмий ишларида лизинг (молия ижараси) шартномасининг фукаролик-хукукий жиҳатларини ўргангандан ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқкан¹¹. Профессор М.Б.Усмоновнинг тадқиқотлари кишлоқ хўжалигига ижара муносабатларини хукукий тартибга солишнинг назарий муаммоларига багишланган¹².

Бироқ, мазкур тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатлари таҳлил этилганилиги боис, ҳозирга кадар миллый юриспруденцияда лизинг муносабатларининг барча томонлари атрофлича ўрганилмасдан келмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат юридик институти Илмий Кенгашининг 2005 йил 28 июндаги мажлисининг 22-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида лизинг шартномасининг тушунчаси ва мазмуни, шартномавий муносабатлар тизимида лизинг шартномасининг хусусиятларини очиб бериш, шартнома субъектларининг хукуқларини химоя қилишга оид асосларни ўрганиш, бу борада қонунни кўллаш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва суд амалиётини такомиллаштиришга каратилган хулосалар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқсан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди:

- лизинг муносабатларининг ривожланиши ва унинг хукукий асосларини ўрганиш;
- лизинг шартномаси субъектларининг шартномада тутган ўрни ва улар ўртасидаги хукукий муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил этиш ва ундаги хукукий бўшликларни тўлдиришга оид амалий тақлифлар бериш;
- лизинг муносабатларидағи коллизион масалаларга ҳалқаро хусусий хукуқ нормаларининг таъсири ва бирхиллаштириш асосларини тадқиқ этиш;
- лизинг шартномасини тартибга солувчи ҳалқаро конвенциялар ҳамда чет эл қонунчилигини ўрганиш ва миллый қонунчилик билан киёсий таҳлилини амалга ошириш;
- лизинг шартномасини фукаролик-хукукий шартномалар тизимида тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- лизинг шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлик масалаларига оид нормаларни янада

¹¹ Карап: Рўзиев Р.Ж. Лизинг шартномаси. –Т.: Адолат, 2002., Рўзиев Р.Ж. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. Автореф. дис... док. юр. наук. –Т.: ТГЮИ, 2002. - 48 с.

¹² Карап: Усмонов М.Б. Кинилок хўжалигига ижара (хукукий масалалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. -184 б.

такомиллаптириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор монографик тарзда фуқаролик-хукукий шартномалар тизимида лизинг шартномасининг юридик табиати, тушунчаси, субъектларининг хукук ва мажбуриятлари билан боғлик бўлган муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилди.

Шунингдек, тадқиқотнинг янгилиги кенг доирадаги муаммоларнинг ўрганилганлиги ҳамда муаллиф томонидан лизинг соҳасидаги конунчиликни такомиллаптириш бўйича илмий асосланган ва муҳим амалий аҳамият касб этувчи таклифлар киритилганлиги билан белгиланади.

Пировардида, амалга оширилган тадқиқот натижаси ўлароқ, химояга илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган кўйидаги таклифлар тақдим этилади:

1. Лизинг муносабатларининг тарихий хукукий ривожланиши тўрт боскичга ажраттилди ва хукукий жиҳатлари ўрганилди. Унга кўра, мазкур муносабатнинг биринчи боскичи – маълум бир меҳнат куролини сотиб олмасдан туриб, ундан фойдланилганлик учун белгиланган тўловни амалга ошириш foяси вужудга келиши билан боғликлigi тавсифланади; иккинчи боскич – лизинг муносабатларининг асосий тараққиёти Рим хукукида мулк хукукисиз ашёларга эгалик қилиш институтининг пайдо бўлиши билан боғлик; учинчи боскич – ижара ва олди-сотди шартномасининг элементларидан ташкил топган хозирги лизинг муносабатларини тартибиға солувчи шартномавий-хукукий институтнинг вужудга келиши; тўртинчи боскич – халқаро лизинг муносабатларини тартибиға солувчи хукукий нормаларни яратилиши.

2. Лизинг шартномасини шартноманинг уч тарафлама шартнома деб ҳисобловчи олимларнинг қарашларида бир катор камчиликлар мавжудлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Унга кўра, лизинг шартномасини уч тарафлама шартнома деб тан олишга етарли асосларнинг мавжуд эмаслиги, хусусан тарафлар ўргасида мажбуриятларнинг тенг таксимланмаганилиги ва бу холат шартнома тузиш тамойилларига зид келишилиги асослаб берилади.

3. Тадқиқот натижаларига асосан лизинг шартномасига нисбатан илмий доктринал таъриф ишлаб чиқилди, унга кўра: "лизинг шартномаси – ижара шартномаси ва олди-сотди шартномаси элементларидан таркиб топган лизинг муносабатлари субъектлари ўргасида тузиладиган аралаш шартномадир".

4. Лизинг шартномасининг "ўзига хос" хусусиятларини ҳисобга олган ва шу хусусиятлари орқали лизинг шартномасини шартноманинг алоҳида тури деб ҳисобловчи тадқиқотчиларнинг қарашларида етарли асослар мавжуд эмаслиги диссертацияда илмий-назарий жиҳатдан исботлаб берилди.

5. Ишда лизинг муносабатларини тартибиға солувчи миллий ва хориж конунчилигини киёсий таҳлили амалга оширилди. Тадқиқот натижалари лизинг қонунчилигига шартнома субъектларининг "резидентлик" ва "норезидентлик" категориясига аниқлик киритилиши келажакда мазкур

шартномавий муносабатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асослантирилди.

6. Лизинг муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир неча омиллар атрофлича таҳлил қилинди. Улардан солиқ органлари томонидан хотўғри солиқ сиёсатини кўллаш ва республикада лизинг муносабатларидаги монопол лизинг компанияларнинг мавжудлиги ҳамда хусусий лизинг компанияларининг етарли эмаслиги асослаб берилди. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналар кошида ихтисослашган лизинг компанияларини ташкил этиш ва уларнинг истиқболлари хусусида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар берилди.

7. Махсус лизинг компанияларига нисбатан меъёрий-хукукий хужжатларда фаолият олиб боришилари учун тегишли органлардан рухсатнома олиш мезони аниқ белгилаб қўйилмаган. Шунинг учун лизинг субъектларини икки гурӯхга бўлиб, яъни банк ва банк тизимига кирувчи молиявий ташкилотлар банк фаолияти учун олинган лицензия орқали лизинг билан шуғулланиши, махсус лизинг компаниялари эса тегишли тартибда лицензиялаш тўғрисидаги норма лизинг қонунчилигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 2001 йил 12 майдаги 222-П-сонли қарорида аниқ белгилаб қўйиш зарурияти кўрсатилди.

8. Ривожланган давлатларнинг лизинг амалиётида хизмат кўрсатувчи фирмалар ва брокерлик ташкилотлари ҳам лизинг берувчи субъект сифатида тан олинади. Диссертант фикрича қуйидаги асосларга кўра хизмат кўрсатувчи фирма ва брокерлик ташкилотлари лизинг муносабатларининг субъектлари бўла олмайди. Яъни, улар келишилган ҳақ эвазига ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг агенти сифатида иштирок этади, буюртмага асосан лизингнинг куляй шартларини кидиради, лизинг олувчи билан лизинг берувчини бир битимга келишига кўмаклашади. Бу ҳолатда брокерлик фирмалари лизинг муносабатларининг иштирокчиси бўлмай, балки воситачилк вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган холосалар, лизинг муносабатларини тартибга солувчи лизинг қонунчилигини янада такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, диссертациядаги таклиф ва холосалардан фуқаролик хукуки, шартнома хукуки, мажбурият хукуки фани бўйича дарсликлар, ўкув қўлланмалар ва намунавий ўкув дастурларда кўрсатилган мавзууларни ёритишида, келажакда шартномавий муносабатлар бўйича олиб боришлиши режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан Тошкент Давлат юридик институти ва М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ўтиладиган "Фуқаролик хукуки", "Халқаро хусусий хукук", "Мажбурият хукуки" ҳамда "Шартнома хукуки" фанларининг ўкув жараёнларида фойдаланилди. Шунингдек, лизинг муносабатларини тартибга

солишга доир фуқаролик қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш мақсадида ишдаги айрим таклиф ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Тошкент Давлат юридик институтининг "Халқаро хусусий ҳукуқ" кафедрасида бажарилган ва кафедра мажлисида муҳокама килинган (05.10.2005 й. ва 20.04.2006 й.). Диссертация кўлғузаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институтининг илмий-назарий кенгашида (22.05.2006 й.) ҳамда ТДЮИ фуқаролик ҳукуки фанлари бўйича Муаммовий кенгашида муҳокамадан ўтган (18.06.2006 й.).

Бундан ташкири, муаллифнинг тадқиқот натижасида олган таклиф ва хулосалари халқаро миқёсда ўтказилган қуйидаги илмий-амалий конференцияларда жамоатчилик ҳукмига ҳавола килинган: "Гармонизация законодательства Республики Узбекистан и Европейского союза" мавзусидаги (Тошкент, 2004), "Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлари" мавзусидаги (Тошкент, 2004), "Фуқаролик қонунчилигининг долзарб муаммолари" мавзусидаги (Тошкент, 2005) ва бошқалар.

Натижаларниң эълон килинганилиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллифнинг 16 та илмий ишида ўз ифодасини топган бўлиб, шулардан 10 таси илмий мақола, 6 таси илмий тўпламлардаги тезислардан иборат.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан бўлиб, мавзуни ўрганиш мантигига мос келади. Диссертация 150 бетдан иборат бўлиб, у кириш, етти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ташкил килади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, унинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва химояга олиб чиқилаётган асосий хулосалар, тавсия ва қоидалар шакиллантирилган, шунингдек, диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Молиявий лизинг – ҳукукий муносабатларнинг обьекти сифатида**" деб номланниб, унда лизинг шартномаси тушунчаси ва ривожланишининг тарихий жиҳатлари ҳамда молиявий лизинг шартномаси шартноманинг алоҳида тури сифатидаги масалалар илмий таҳлил этилган.

Диссертант ишда лизинг муносабатларининг ҳукукий масалаларига эътибор қаратиб, уни алоҳида иктиносидий муносабатлардан ажратган ҳолда илмий таҳлил этади. Лизинг шартномаси ижара шартномасини бир тури сифатида эътироф этилса-да, лекин лизинг ўз хусусиятларига кўра ижара

шартномасидан қуидаги фарқлари билан ажралиб туради: шартнома предметини ва сотувчинин лизинг олувчининг ўзи танлайди; мол-мулқдан фақатгина тадбиркорлик максадида фойдаланилади; лизинг олувчи лизинг мулкидан бўнак тўламасдан туриб эгалик қиласди ва фойдаланади; шартнома муддати тутагач, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтади.

Лизинг билан боғлик бўлган барча иктисодий-хукукий муносабатлар тарихини ўрганган олимлар, ушбу муносабатлар ривожланишининг янги даврига тааллуклидир¹³, деб хисоблашади. Лекин тадқикотчи мазкур фикрларга эътироф билдириб, тарихий манбаларга асосланган ҳолда ижара муносабатларининг ривожланиши ва натижада лизинг шартномасининг хусусиятлари, белгилари кадимги даврлардан мавжудлиги тўғрисидаги бир неча ёндашувларни таҳлил қиласди¹⁴. Шу маънода тадқикотчи лизинг муносабатлари вужудга келишини қуидаги боскичларга бўлган ҳолда ўрганишни лозим топади:

биринчи боскич, яъни ўз навбатида маълум бир меҳнат куролини сотиб олмасдан туриб, ундан бадал тўлови тўлаган ҳолда фойдаланиш ғоясининг пайдо бўлиши лизинг белгиларини вужудга келиши билан тавсифланади. Лизинг битими моҳиятини очиб берувчи биринчи таърифни Аристотелнинг "Реторика" асарида учратиш мумкин. Яъни, унда: "Бойлик – хусусий мулк хукукига эга бўлища эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади"¹⁵, дейилган. Уларнинг қарашларида даромад олиш учун қандайдир мулкни хусусий килиб олиш шарт эмас, балки ундан фойдаланиш хукукига эга бўлиш ва натижада даромад олиш етарли, деган хуносага келишган.

Иккинчи боскич, лизинг муносабатларининг тараққиёти Рим хукуқида мулк хукукисиз ашёларга эгалик қилиш институтининг пайдо бўлиши билан боғлик. Юстиниан I институцияларида лизинг муносабатларининг асосий ғояси илгари сурйлган. Кадимги Римда ўзганинг ашёси ва мулкидан умрбод фойдаланиш ҳамда ярокли ҳолатда сакланишини таъминлаш "узуфрукт" деб аталган. Узуфрукт бошқалар ашёсидан фойдаланишининг класик шакли хисобланиб, Раул бу ҳақида: "Узуфрукт – бу ўзгалар нарсасидан фойдаланиш, ундан фойда ва ҳосил ундириб олишдир"¹⁶, – деган таърифни беради. Шунинг учун ҳам цивилист олимлар Рим хукуқида маълум ашёга мулк хукукисиз эгалик қилиш билан боғлик мулкий муносабатлар мажмуни мавжуд эканлиги ва мазкур муносабатлар ўзида лизинг белгилари

¹³ Каранг: Michael G.Treitel. The law of contact. – London: Sweet & Maxwell, 1995. - 136 р.

¹⁴ Каранг: Биринчи ёндашув. лизингнинг негизи Шумер ва Ики дарё оралигининг бопка калкъларига бориб тақалувчи молиялаштиришишни кадимий шакллардан бирин сифатида асослайди. // Derek R.Soper, Robert M.Minto, Ewen Cameron. The Leasing handbook. – London: Sweet & Maxwell, 1993. - 365 р. Иккинчи ёндашув, "лизинг" сўзи XIX асрнинг охири яъни 1877 йил "Bell" телефон компаниясининг ўз ашварларининг сотмаслик ёки вактича фойдаланишига бериш тўғрисидаги коридордан сўнг кенг фойдаланлини фактига ҳамда 1952 йилги лизинг муносабатлари ихтиносалаштирилган Сан-Францискодаги "United States Leasing Corporation" компаниясини ташоши этилиши билан боғлайдилер//Lessons of experience series: leasing in emerging markets. The World Bank – Washington, 1996. - 63 р. Учинчи ёндашув, лизинг тарихининг хозирги кундаги тушунчasi 1877 ёки 1952 йилдан бошланганлиги ҳақидаги алоҳиди фикрлар мавжуд. Лекин ижари муносабатлари тарихининг оммавий муносабатларининг сифат ўзгариши натижасида хукуқда яғни кодисаларни вужудга келтиришими мисоли сифатида кўриб чиқиш зарур хисобланади // Внукова Н.Н., Олыховиков О.В. Мир лизинга. – Харков: Основа, 1994. - 224 с.

¹⁵ Каранг: Ануфриева Л.П. Международное частное право: Особенная часть. Том 2. – М.: Бек, 2000. - 296 с.

¹⁶ Каранг: Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий хукуки. – Т.: Консалтингинформ, 2002. - 82 б.

мужассамлашганидан далолат беради.

Учинчи боскич, лизинг – янги ишлаб чиқарилган қимматли техникаларга эга бўлиш ва техник ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишининг ятона усули бўлиб кўринади. XIX асрнинг бошида иқтисодий инқирозлар натижаси ва дунёда саноатнинг ривожланиши лизинг фаолияти билан шуғулланувчи маҳсус компанияларнинг вужудга келишига сабаб бўлади¹⁷. Бу боскичда лизинг компаниялари ва мижозлар ўртасида тузилган шартноманинг муддати тугаши билан фойдаланувчи мулкни сотиб олиши қоидаси белтиланган эди. Шартномага мазкур қоиданинг киритилиши мулкка нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олди. Натижада бундай келишувлар ижара ва олди-сотди шартномаси бирикмасини ташкил этиб, лизинг муносабатларини тартибга солувчи шартномавий-хукукий институтнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Тўртинчи боскич, асосий фаолияти лизинг билан боғлик бўлган ташкилотларнинг пайдо бўлиши ҳамда лизинг муносабатларини мустакил соҳа сифатида ажralиши билан тавсифланади. Хусусан, мазкур боскич ҳар бир давлатнинг конун ва қонуности нормаларини яратилиши билан ажralиб туради. Бунда миллий лизинг компанияларнинг ташкил этилиши ва лизинг хукуқ ижодкорлигининг вужудга келиши ижобий натижага сифатида баҳоланади. Шунингдек, лизинг муносабатларини тартибга солувчи халқаро Оттава (УНИДРУА) конвенциясининг қабул қилиниши давлатлар конунчилигидаги коллизияларни бартараф этилиши ва лизинг тўғрисидаги нормаларни бирхиллаштиришга ёрдам берди.

Диссертант томонидан лизинг шартномаси шартноманинг алоҳида тури сифатидаги масалаларни ва цивилист олимларнинг бу борадаги фикрларини илмий таҳлил қилинади. Ишда лизинг шартномасини шартноманинг мустакил бир тури деб хисобловчи цивилист олимларнинг назарий таълимотлари бир қатор камчиликлардан холи эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Лизинг шартномасининг моҳияти учта субъектнинг, яъни маълум бир мулкни лизинг берувчи, иккинчи шахс сотувчидан, учинчи шахс лизинг олувчига ҳақ эвазига фойдаланишга бериш муносабатларидан келиб чикадиган хукукий маъбуриятлардан иборат бўлади. Диссертант лизинг шартномасини уч тарафлама шартнома эмас, балки мустакил икки шартнома асосида, хусусан ижара ва олди-сотди шартномасининг йиғиндисидан вужудга келадиган муносабат деб хисоблади. Лизинг шартномасини шартноманинг мустакил тури деб хисоблаш учун зарур назарий асослар етарли эмас. Нафакат Фукаролик кодекси ва жорий конунчилик, балки МДҲ цивилист олимлари (Козырь О.М., Маковского А.Л., Хохлова С.А.) хам молиявий лизинг ижара институтининг бир тури деб хисоблашади. Шунингдек, лизинг шартномасини лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган ҳамда мазкур шартномавий муносабатга олди-сотди шартномаси асосида сотувчи жалб қилинадиган аралаш шартномалар бирикмаси деб эътироф этиш мумкин. Р.Ж.Рўзиевнинг фикрича, лизинг

¹⁷ Карапт: Хойер В. Как делать бизнес в Европе. – М.: Прогресс, 1990. - 15 с.

муносабатларида олди-сотди шартномаси зарурий элемент ҳисобланади ва лизинг операцияларини амалга оширишга у бевосита хизмат килади¹⁸. Р.О.Халфина эса, шартномада тарафларнинг хоҳиши-иродасидан ташқари уларнинг ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳам акс эттирилган бўлиши кераклиги хусусида тўхталади. Тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари гарчанд турли бўлса ҳам, бироқ улар ўзаро шартномада келишилган ҳамда шартнома асосида биргаликда эришиладиган ягона ҳукукий натижага бериши лозим¹⁹. Лизинг берувчи лизинг олуви олдида лизинг обьекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг обьекти сотувчиси ва лизинг обьектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ҳамда лизинг олуви шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган холлар бундан мустасно²⁰. Лизинг шартномасида иштирок этаёттан тарафларнинг бир-бирига бўлган муносабатларда тенг ҳукуклилиги юкоридаги нормада умуман кўринмайди. Лизинг муносабатларида лизинг берувчи, лизинг олуви ва сотувчининг биргаликда эришиладиган умумий мақсади мавжуд эмас. Олди-сотди шартномаси орқали етказиб берилган лизинг предметини нима мақсадда фойдаланиш сотувчи учун хеч қандай аҳамият касб этмайди, факат ишлаб чикарган маҳсулотларини ўтказишдан манфаатдор.

Шу билан бир каторда, лизинг шартномаси асосида лизингта олинаётган лизинг предмети қай тартибда лизинг берувчининг хусусий мулкига айланганлиги лизинг олуви учун ҳам аҳамият касб этмайди. Шартноманинг мақсади эса ҳар икки тараф учун умумий бўлиб, тарафларнинг ҳар қайсиси шартноманинг барча кўрсаткичларини бажаришдан иборат бўлиши²¹ лозим. Диссертантнинг фикрича, лизинг муносабатларининг ривожланиши шартнома тарафларига боғлик бўлиб, лизинг шартномасида тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини тўғри белгилаш орқали муаммоларнинг олди олиниади. Натижада ҳукуқ ижодкорлигининг ривожланишига ва лизинг шартномасидан келиб чиқадиган зиддиятларни бартарап этишга қаратилган меъёрларнинг яратилишига олиб келади.

Диссертациянинг иккинчи боби "Халкаро ҳукукий муносабатларда лизинг шартномаси" деб номланган бўлиб, унда лизинг шартномасининг халкаро хусусий ҳукуқ нормалари билан тартибга солиниши ҳамда лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллый ва хориж конунчилигининг киёсий таҳлили амалга оширилган.

Диссертант иктиносидай ривожланган мамлакатлар лизинг амалиётини ўрганган холда, уларнинг лизинг фаолиятидаги ижобий хусусиятларини илмий таҳлил этиади. Ишда хорижий давлатларнинг лизинг конунчилиги ўрганилади, унда аксарият мамлакатларда лизинг шартномаси юзасидан маҳсус конунлар кабул килинганлиги ва мазкур муносабат кодификацион

¹⁸ Карап: Р.Ж.Рўзиев. Лизинг шартномаси. –Т.: Адолат, 2002. - 29 б.

¹⁹ Карап: Халфина Р.О. Значение и сущность договора в советском социалистическом гражданском праве. – М.: АН СССР, 1952. - 50 с.

²⁰ Карап: Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги конуни. – Т.: Адолат, 1999. 111-6

²¹ Карап: Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳукуки. – Т.: Адолат, 1996. - 282 б.

қонун хужжатларга тегишли нормаларни киритиші йўли билан тартибга солиниши кўрсатилган. АҚШ Ягона Савдо кодексига асосан молиявий лизинг шартномаси кўйидаги талабларга жавоб берishi керак, яъни: лизинг олувчи мулкини ёки унга эгалик килиш ва фойдаланиш хукукларига эга бўлганилиги тўғрисидаги лизинг берувчи ҳамда сотувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхасини лизинг шартномаси имзолагунга кадар олиши; лизинг берувчи томонидан мулкини ёки унга эгалик килиш ва фойдаланиш тўғрисидаги хукукларини кимга тегишлилигини мухим шарт сифатида шартномага киритиши ҳамда шартномани тасдиқлаб берishi лозим²².

Квебек Гражданлик кодекси эса лизинг шартномасини фуқаролик-хукукӣ шартноманинг алоҳида бир тури сифатида эътироф этса²³, континентал ҳукук тизими амалда бўлган бошка кўпгина мамлакатларда лизинг муносабатларини тартибга солувчи маҳсус конунлар ижаранинг бир тури сифатида баҳолайди. Баъзи тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган лизинг шартномасини уч томонлама битим деб тан олиш, барча шартномавий муносабат иштирокчиларининг хукукларини таъминлашга ва уларнинг ўз мажбуриятларини тегишли даражада амалга оширишга ёрдамлашди²⁴. Мазкур тадқиқотчилар кўйидаги икки принципиал ёндашувлардан келиб чиққанликларини таъкидлаш лозим: биринчидан, бунда битимнинг ташаббускори сифатида фойдаланувчига алоҳида эътибор каратиласди. Лизинг олувчи шартноманинг фаол иштирокчиси ҳисобланса, бунга қарамакарши равишда лизинг берувчи пассив томон бўлиб кўринади ҳамда ушбу муносабатни молиялаштиради ва бу масала юзасидан жавоб беради; иккинчидан, лизинг шартномасининг муддати лизинг олувчига жиҳозларга сарфлаган сармоясини қайтариб олиш имконини берishi лозим. Оддий килиб айтганда, лизинг шартомасининг муддати тахминан ускуналарнинг амортизация муддатига teng бўлиши керак.

Тадқиқот натижалари орқали ҳалқаро кўламда лизинг шартномаси тарафларининг хукук ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалаларга ҳам ойдинлик киритилган. Унда лизинг шартномасини рўйхатдан ўтказиш, ускуналарни ҳақиқий эгаси ҳақида учинчи шахсларни хабардор этиш, лизинг олувчи банкрот бўлганида унинг кредиторлари билан лизинг берувчининг ўзаро муносабатларини ҳукукий тартибга солиш каби ҳукукий муаммолар ёритилган. Лизинг олувчи банкрот бўлганида ва лизинг мулкини бошка шахсга сотиш ҳолатларида, мулкинг ҳақиқий эгаси тўғрисида учинчи шахсларни, биринчи навбатда лизинг олувчининг кредиторларини хабардор килиш мураккаблигини кўйидаги ҳолатда кўриш мумкин. Биринчи ҳолатда,

²² Масалан, АҚШ Ягона Савдо кодексининг 2A-103-моддаси 1 "g" бандида молиявий лизинг тушунчасига анниклик киритилганлиги, унга кўра лизинг берувчи молиявий лизинг шартномаси предмети ҳисобланган мулкини ўзи танловмай, балки мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланниш ва тасарруф этиши ҳукукини сотиг олиш тартиби белгиланган. Карапт: Единообразный торговый кодекс США (Пер. с англ.) Серия - Современное зарубежное и международное частное право. – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. -107 с.

²³ Карапт: Гражданский кодекс Квебека. – М.: Статут, 1999. - 81 с.

²⁴ Карапт: Колесинский А. Международная унификация финансового лизинга//Ж. Международного права и международных отношений. – 2001. – №4. - С.16.

англо-саксон ва континентал ҳуқуқ амалда бўлган давлатларда қарама-карши тамойиллар вужудга келган. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида "nemo dat quod non habet" тамойили амалда бўлиб, унга кўра лизинг олувчи ўзига тегишли бўлмаган мулкка нисбатан эгалик ҳуқукини харидорга ўтказа олмайди, агар мазкур ҳолат юз берса лизинг берувчи ускуналарни ўша харидордан талаб қилиб олишга ҳакли²⁵, деган фикрни илгари сурадилар. Континентал ҳуқуқ тизими амалда бўлган давлатларда эса, харидор мулкка эгалик қилиш ҳуқукини ҳам қўлга киритади. Мазкур тамойиллардан бирини конвенцияга киритилиши аксарият давлатларда қўлланмаслигига ёки миллий қонунчилигидаги асосий ҳуқукий тамойилларни ўзгартирилишига олиб келади.

Турли мамлакатлар конунларининг ўзига хос камчиликлари шундаки, лизинг олувчи кўрган заарларини бевосита сотувчидан эмас, балки талабдан бошка шахс фойдасига воз кечиш (цессия) орқали лизинг берувчидан ундириб олади. Натижада лизинг олувчи кўрган заар миқдори лизинг берувчи кўрган заар миқдори билан чекланиб қолади. Қатор давлатларда, жумладан Германия ва Австрияда ушбу холатни кузатиш мумкин, яъни мазкур давлатларда "Dritschadenliquidation" тамойили амал қиласди. Мазкур тамойилга кўра шартноманинг бир тарафи иккинчи тарафига учинчи тарафдан карзни ундириш ҳуқукини беради²⁶. Диссертантнинг фикрича, бундай ҳаракатларни олиб бориши мақсадга мувофиқ эмас: биринчидан, мазкур нормалар барча мамлакатларга маълум эмас; иккинчидан, бу тамойил фойдаланувчига ҳар доим ҳам барча заарларни ундириш ҳуқукини бермайди; учинчидан, лизинг берувчи лизинг олувчига ўз ҳуқукларидан, яъни олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқукини лизинг олувчига бермаслигини кўриш мумкин.

Лизинг шартномасида ижара шартномасининг белгилари тўлиқ мавжуд эканлиги, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи ўртасидаги ҳуқукий муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган Г.Бук ва К.Лареншлар мазкур шартномавий муносабатни "ўзига хос"лигини исботлаб берувчи концепцияни илгари суришган²⁷. Бироқ лизинг шартномасининг алоҳида белгилари мавжудки, уларни "ўзига хос хусусиятли" деб талкин этиш мақсадга мувофиқ эмас. Лизинг шартномасида сотиб олиш опсиони мавжуд бўлиб, унда тўлов муносабатларининг алоҳида тури сифатида олди-сотди шартномаси ўзига хос ўрин тутади. Цивилист олим Ж.Платье ўзининг "ҳуқуқни сотиб олиш" (rechts-rauf) номли назариясини илгари сурди ва унга кўра лизинг олувчи лизинг берувчидан, ускунадан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш ҳуқукини сотиб олади²⁸. Юкорида келтириб ўтилган назарияларда шартномавий муносабатларнинг бутун мажмуаси эмас, балки лизинг шартномасининг айrim қисмлари кўриб чиқилган. Мазкур

²⁵ Карапт: Лещенко М.И., Бочков В.Е., Демин Ю.Н. Международная практика лизинга. – М.: МГИУ, 2002. - 245 с.

²⁶ Карапт: Шарп У., Бейли Ж. Инвестиции. – Минск.: - 1996. - 93 с.

²⁷ Карапт: Book H. Leasing in Deutschland.//– Frankfurt-M. - 1986. - 28 р.. Larenz K. Lehrbuch des Shuldrechts. – Munchen-B. - 1987. - 54 р.

²⁸ Карапт: Plathe J. Die Rechtliche Beurteilung des Leasing-Geschafts. - 1982. - 233 р.

назарияларда лизинг берувчи ва лизинг олуучи ўртасидаги муносабатларнинг хуқукий мохияти ўзининг тўлиқ аксини топмаган. Тадқиқотчининг фикрича, лизинг шартномасининг тушунчаси ускунани вақтинча фойдаланишга бериш билан тугалланиб қолмайди.

АҚШ банк фаолиятини тартибга солувчи қонунчилигига кўра, тижорат банкларининг айрим молиявий операциялар билан шуғулланиши таъкидланган. Шунинг учун бевосита банклар томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди ва лизинг компаниялари банклардан алоҳида ажralган ҳолда фаолият олиб боради. АҚШ солик қонунчилигида шундай моддалар мавжудки, унда жисмоний шахслар ҳам ўзи топган даромадларига асбоб-ускуна сотиб олиш ҳамда уни лизингта бериш хуқукига эга. Англияда лизинг шартномаси кўп ҳолларда "махсус ижара" сифатида баҳоланади ва мазкур давлатда лизинг шартномаси оддий ижара шартномасининг бир тури сифатида ўрганилмайди. Германия Фуқаролик Тузуғи яратилганилигига юз йил бўлган бўлса ҳам, бу мамлакатда лизинг муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонун ва қонуности нормалари мавжуд эмас. Бу давлатда лизинг икки вариантда намоён бўлади: лизинг хариди ва лизинг ижараси. Италияда молиявий ижара шартномаси (*operazion di locazione finanziaria*) ўзгача аҳамият касб этиб, унда лизинг предмети бўлган саноат ускуналари ва жиҳозлари кўчмас мулкка нисбатан ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади²⁹. Бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг предметини кўчмас мулкдан ажратган ҳолда лизинг шартномаси орқали бериши мумкин. Мазкур қоидалар бир неча давлатлар, шунингдек бизнинг қонунчилигимизда ҳам мавжуд эмас. Бундан ташқари мазкур қоидаларни лизинг амалиётида кўллаш турли кийинчиликлар туғдиради ва бу қоиданинг салбий оқибати лизинг олуучи банкрот бўлганида вужудга келади. Бунда лизинг олуучи ускуналарни лизингга олиб, уни кўчмас мулкка жойлаштиради ва шартнома предмети бўлган ускуна тегишил ашё сифатида унга кўшилади. Натижада лизинг олуучи банкрот бўлганида, ускуна ёки жиҳозни лизинг берувчига кайтариб беришда муаммолар вужудга келиши мумкин.

МДҲ давлатларининг лизинг соҳасидаги қонунчилиги бир-биридан сезилларни даражада фарқ қилмайди. Бу давлатлар ички қонунчилигининг ўзаро яқинлашуви ёки бирхиллаштиришга қартилган интилиши яқол кўзга ташланади. Ҳамдўстлик давлатларининг баъзиларида лизинг тўғрисида миллий қонунларнинг мавжуд эмаслиги соҳада боскичма-боскич, ҳар томонлама хўжалик ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантиришга салбий таъсири кўрсатмоқда. МДҲ мамлакатлари доирасида лизинг муносабатларини ривожлантириши максадидаги тегишли моддий нормаларни яратиш зарурати туғилмоқда. Мазкур жараёнларни фаоллаштириш учун давлатлар ўртасида бир неча амалий чора-тадбирлар амалга оширилган бўлиб, бунинг натижаси сифатида 1998 йил 25 ноябрдаги Москва шаҳрида имзоланган "Лизинг тўғрисида"ти давлатлараро конвенцияни кўрсатиш мумкин. Бу конвенция

²⁹ Қаранг: Richard M.Contino. Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal. - New York.: McGraw-Hill, 1995. - 87 р.

ҳам давлатлар ўртасида лизинг муносабатларини ривожланишига етарлича ижобий таъсир кўрсатмаяпти. Бу конвенция факатгина Арманистон, Белорус, Украина давлатлари томонидан қиска доирада ратификация килинган. Бундан ташкири конвенциянинг муқаддимасида давлатлараро хуқукий нормалар ва иқтисодий иттифокни тузиш тўғрисидаги шартнома УНИДРУА конвенциясига мувофиқ ишлаб чиқилган. Конвенцияда ҳалқаро лизинг бу – икки ёки ундан ортиқ давлат лизинг компаниялари ва хўжалик юритувчи субъектлари катнашашётган лизинг фаолиятига айтилиши белгиланмаган. Шунингдек, Москвада имзоланган конвенциянинг ўзи ҳам бъази бир камчиликлардан холи эмас. Мисол тарикасига, конвенцияда "давлатлараро лизинг" тушунчаси кўлланилган бўлса-да, унинг замирида сўз факат лизинг иштирокчилари хисобланган давлатларнинг лизинг муносабатларига оид миллий-хукукий қоидаларини бирхиллаштириш, хусусий тусдаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ҳақида боради.

Халқаро конвенциялар ва бир неча давлатларнинг лизинг конунчилиги таҳлили натижалари миллий лизинг конунчилигини янада такомиллаштириш лозимлиги тўғрисидаги хулоса чиқаришга олиб келди. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги конунининг 4-моддасига лизинг субъектлари тўғрисида тушунтиришлар белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур моддада лизинг шартномаси субъектларининг мақоми тўлиқ очиб берилмаган ва мавхумлигича қолган. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги конуннинг 4-моддасига лизинг шартномаси субъектларининг "резидентлик" ва "норезидентлик" категориясида аниклик киритилиши лозим. Резидент ва норезидент тадбиркорлик субъектларига нисбатан алоҳида тартибда солиқ сиёсатини олиб бориши Солиқ кодексига белгилаб қўйилган. Лекин лизинг муносабатларини тартибга солувчи конучиликда бу холат ўз аксини топмаган. Жумладан, лизинг тўғрисидаги конунда миллий лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси мейёрлар асосида, хориж лизинг субъектлари хисобланмиш лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси мейёрлар асосида фаолият олиб бориши тартиби хукукий нормалар билан белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Юқоридаги нормаларни лизинг қонунчилигига киритилиши биринчи навбатда давлат томонидан лизинг субъектларининг фаолият олиб бориши доирасини аниқлашда ва уларнинг хукукларини ҳимоя килишда муҳим аҳамият касб этади. Лизинг қонунчилигига хориж субъектларининг хукукий холати аниқ кўрсатилса, улар томонидан шартнома тузиш тартиби ва фаолият олиб бориш шартлари белгиланса, шартнома субъектларининг хукуклари қонун билан ҳимоя қилинган ва ҳалқаро нормаларни бирхиллаштириш амалга оширилган бўларди. Бундан ташкири, конун нормаларига мазкур қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистон худудида ҳалқаро лизинг операцияларни амалга оширишга енгиллик киритади ва тарафлар ўртасига келиб чиқадиган муаммоли холатларга чек қўйилади.

Диссертациянинг учинчи боби "**Ўзбекистонда лизинг шартномасининг хукукий тартибга солиниши**" деб номланган бўлиб, унда молиявий лизинг шартномаси субъектлари ва уларнинг хукуклари,

молиявий лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик, бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муаммоларини ҳал этиши тартибига доир масалалар таҳлил этилади.

Лизинг қонунчилиги лизинг обьектидан фақатгина тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш, лизинг шартномасининг иштирокчилари таркибини белгилаб берди. Бунда лизинг субъектлари нафақат юридик шахслар, балки хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ҳам бўлишлари мумкин. Мазкур шартномавий муносабатнинг эътиборли томони шартномада лизинг олувчи етарлича имтиёзларга эга бўлиш билан бир каторда, лизинг шартномасини тузишда фаоллик кўрсатади, лекин камдан-кам ҳолларда унда етакчилик қиласади. Шартномада эса лизинг берувчи асосий ролни йўнайди, яъни шартномадан келиб чикадиган барча ташкилий кўринишдаги вазифалар асосан лизинг берувчи томонидан бажарилади. Лизинг шартномаси механизмини ишга тушириш айнан лизинг берувчига боғлик бўлиб, у ихтисослашган лизинг компанияси бўладими, банкми ёки кредит ташкилотими, у бир хилда мазкур муносабатга таъсир кўрсата олади. Шунингдек, амалдаги қонунчиликка биноан лизинг берувчи сифатида юридик шахс ҳисобланган лизинг фаoliyatiini амалга ошираётган лизинг компанияларидан ташқари бошқа ташкилотларни ҳам киритиш мумкин. Бунда банк лицензия олиши билан ихтисослашган лизинг компания сингари лизинг берувчи макомига эга бўлади. Бу маънода банк ёки бошқа кредит муассасаси лизинг берувчининг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Ўз навбатида банк томонидан амалга оширилиши лозим бўлган барча лизинг лойиҳалари, яъни лизинг компанияси сингари бозор ҳолатини, амалга оширилиши зарур бўлган лойиҳанинг фойдалилигини баҳолайди ва бу масалани мустақил ҳал этади. Аниқ моддий таъминотта эга бўлган банклар эса, ҳатто лизинг билан номунтазам шуғулланган шароитда ҳам лизинг бозоридаги вазиятни назорат килиш имконига эга ва унинг бўлғуси тараккиёти йўналишини белгилаб беришлари мумкин.

Хукукий адабиётларда лизинг шартномасининг субъектларини юридик ёки жисмоний шахслар бўлишлиги эътироф этилган ва буни қонун нормалари ҳам инкор этмайди. Кўп ҳолларда йирик молиявий компаниялар ёки ихтисослашган лизинг компаниялар факат лизинг берувчи бўлиб мазкур муносабатларда иштирок этади. Тадбиркорлик субъектлари ҳисобланмиш хусусий корхоналар ёки хусусий фирмалар амалда фойдаланувчи бўлиб лизинг муносабатларида катнашади. Уларни лизинг берувчи сифатида катнашмаслиги учун маълум бир технологияларни лизингта бериш мақсадида харид килишлари ёки уларни ишлаб чиқариш учун кўп микдорда молиявий маблағ ёки валютанинг стишмаслиги сабаб бўлади. Бир неча давлатларда лизинг берувчи албатта, тегишли органлардан рухсатнома олиши лозим ва фақат тегишли рухсатнома (лицензия)га эга бўлган шахсгина лизинг берувчи бўлиб лизинг

муносабатларида иштирок этади³⁰. Республикаизда эса асосан лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун маҳсус лизинг компаниялар ва банкларга алоҳида тартибида рухсатнома (лицензия) олиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 2001 йил 12 май 222-II-сонли қарорида ҳам назарда тутилмаган. Лизинг фаолияти билан шуғулланувчи субектлар (асосан, лизинг берувчи) тегишли тартибида лицензия олгандан сўнг ушбу фаолият тури билан шуғулланишлари хусусида "Лизинг тўғрисида"ги қонун меъёрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида ҳукукшунос олимларнинг таклифлар ҳам мавжуд³¹. Лекин тадқиқточи мазкур таклифларга қисман кўшила олмайди, негаки лизинг фаолияти билан шуғулланувчи молиявий компаниялар, банклар асосан турли молиявий операцияларни албатта, ваколатли ташкилотлардан лицензия олганларидан сўнг амалга оширади. Агарда қонунда лизинг берувчига нисбатан лицензия олиш талаби қатъий белгилаб кўйилса, бир фаолиятни икки маротаба лицензияланишига олиб келади. Лизинг шартномасининг асосида молиявий операция амалиёти ҳам ётади ва бу операциялар билан асосан банклар шуғулланади. Агар лизинг фаолияти банклар томонидан олиб борилса, бу фаолиятни лицензиялашга ҳожат колмайди, лизинг берувчи тижорат банки Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида фаолият олиб боради. Лекин маҳсус лизинг компанияларига нисбатан бирор-бир меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда фаолият олиб бориш тартиби, тегишли органлардан рухсатнома олиш мезони аниқ белгилаб кўйилмаган. Диссертантнинг фикримизча, лизинг берувчи сифатида фаолият олиб борувчи субъектларни икки гурухга бўлган ҳолда, яъни банк ва банк тизимиға кирувчи молиявий ташкилотлар банк фаолияти учун олинган лицензия орқали лизинг фаолиятини амалга оширишса, банкдан ташқари фаолият олиб борувчи маҳсус лизинг компаниялари эса тегишли тартибида лицензиялаш тўғрисидаги меъёрлар лизинг қонунчилигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарорига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилса мақсадга мувофик бўларди. Бу норманинг қонунчиликка киритилиши биринчи навбатда лизинг берувчи компанияга нисбатан масъулият юклайди, иккинчидан фаолиятни лицензиялаш тартиби асосида лизинг компанияни ташкил этишда маълум талабларга жавоб бериши кўрсатилади ва натижада унинг фаолият олиб бориш давомийлиги таъминланади.

Тадқиқотда лизинг шартномасида белгилangan мажбуриятлар тарафларнинг бири томонидан бажарилмаганлик оқибатлари таҳлил

³⁰ Каранг: Каранг: Law on Leasing // "Official Gazette of Republic of Macedonia ", 13.06.2003. - №49. Art.16., Serbien: Gesetz über Finanzierungsleasing // Službeni glasnik Republike Srbije vom 27.05.2003. - №55, S. 1. Art.23., Закон Азербайджанской Республики "О лизинге", ст.8. www.cis-legal-reform.org.

³¹ Каранг: Рӯзиев Р.Ж. Лизинг шартномаси. – Т.: Адолат, 2002. - 22 6.

килинган. Жумладан, шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг мулкини тегишли тарафга кайтариш муаммоли масалалардан бири хисобланади. Лизинг шартномаси бекор килинганида лизинг олувчи лизинг берувчига мулкини кайтармаса, лизинг берувчидан лизинг мулкини олиб қўйиш ҳукуки пайдо бўлади. Лизинг обьектига бўлган мулк ҳукуки лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишилдири. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 23-моддасида белгиланишича, лизинг берувчи лизинг обьектини олиб қўйиш ҳукукига эга. Лекин қонунда белгиланган мазкур тартиб орқали лизинг мулкини олиб қўйиш ҳолатлари амалиётда умуман кузатилмайди. Лизинг олувчи шартноманинг муҳим шартларини бажармаганда ва бунинг оқибатида лизинг берувчидан лизинг обьектини кайтариб олиш ҳукукининг мавжуд бўлиши ушбу битимнинг асосий шартларидан бири хисобланади. Кредит муассасалари гаров орқали ўз инвестиция фаолиятини кафолатласа, лизинг берувчи лизинг мулкига бўлган эгалик ҳукукини ўзида саклаш орқали шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди.

Диссертант ишда лизинг олувчи шартнома шартларини бузгандা ёки лизинг обьектини кайтармаганда лизинг берувчининг ҳукуклари поймол бўлишини таъкидлаб ўтади. Мазкур масала юзасидан келиб чиқадиган низони суд орқали кўриб чиқиши жараённинг чўзилиши ҳам инсофисиз эгалловчини лизинг мулкини қисқа муддатларда олиб қўйиш имкониятидан маҳрум этади. Натижада лизинг обьекти тегишлича ўз қийматини йўқотади ва лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан тўланмаган лизинг тўловларидан зарар кўради. Агар лизинг берувчи ўзига тегишли бўлган мол-мulkни қисқа муддатларда олиб қўйиш имкониятига эга бўлмаса, у маълум кафолат турларидан, яъни гаровдан фойдаланишга мажбур бўлади. Лекин бу ҳолатда лизинг ўз моҳиятини йўқотади. Яъни, айланма маблағлари бўлмаган ва технологияларга муҳтож бўлган тадбиркорлик субъектлари асосан лизинг шартномасидан фойдаланади. Тадқиқотчининг фикрича, шартнома мажбуриятлари тарафларнинг бири томонидан қўпол равишда бузилганда лизинг мулкини лизинг берувчидан тездан олиб қўйиш тартиби ва аник муддати қонунда белгилаб қўйилиши лозим. Бу қоиданинг қонун меъёрларига киритилиши лизинг мулкдори, яъни лизинг берувчининг ҳукукларини кафолатлайди ва шу орқали лизинг мулкини йўқолишини олди олиниши таъминланади.

Диссертацияда бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муносабатларида мавжуд бўлган муаммолар ҳам ўрганилди ва илмий таҳлил этилди. Хусусан, лизинг муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунларда шартнома тарафларининг ҳукуклари етарли даражада кафолатламаганилиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 11-моддасида шартнома шартлари лизинг олувчи томонидан бузилган тақдирда молиявий лизинг шартномасини бекор қилиш назарда тутилган бўлса-да, лизинг берувчининг мулкий ҳукуклари кутилганидан кам даражада ҳимоя килинган. Чунончи, лизинг шартномаси бекор қилинганида ёки лизинг олувчи

томонидан шартнома шартлари кўпол равишида бузилганида лизинг берувчига лизинг предметини кайтаришнинг аниқ белгиланган механизми қонунда мавжуд эмас. Қонундаги мазкур ҳолатлар лизинг берувчининг тадбиркорлик хатарини жиддий равишида оширади. Натижада лизинг операциялари кам даражадаги ҳажмларга эга бўлишига ва мулккка нисбатан юкори фоизлар кўйилишига (юкори хатарларни коплашга) олиб келади. Бу ўз навбатида тадбиркорлар орасида лизинг шартномасига бўлган қизиқиши сўндиради, лизингдан кўра ижара шартномасидан фойдаланиш фойдалирек эканлигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 18-моддасида лизинг обьекти сугуртаси тўғрисида тушунтиришлар берилган. Қонуннинг мазкур нормасига асосан, сугурталаш масаласи тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилиши мумкин. Лизинг қонунчилигига асосан, агарда шартномада сугурталаш масаласи хусусида алоҳида шартлар киритилган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг обьекти сугуртаси учун жавобгар бўлади. Фикримизча, лизинг қонунчилиги лизинг олувчининг молиявий ҳолатини ҳисобга олмайди. Шунга алоҳида эътибор каратиш лозимки, лизинг олувчи бўлиб, кўп ҳолларда айланма пул маблағлари мавжуд бўлмаган шахслар ҳисобланади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, лизинг шартномаси предметини сугурталаш масаласини лизинг берувчининг зиммасига юклаш лозим ва бу ҳолат, қонун нормаларида аниқ белгилаб кўйилиши зарур.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, лизинг соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда лизинг муносабатлари иштирокчиларнинг жавобарлиги ва хукукларини аниқ белгилаш зарур. Шу боис, диссертацияда лизинг муносабатларини муваффакиятли ривожлантриш, самарадорлигини ошириш мақсадида лизинг тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда ҳар томонлама асослантириб берилди:

1. Лизинг муносабатларини тартибга солища "лизинг", "молия ижараси" атамаларнинг кўлланилиши ҳалқаро шартномавий муносабатларда ноаниклик келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли боби ва "Лизинг тўғрисида"ги қонуни "Молиявий лизинг тўғрисида" деб номланса лизинг муносабатларини тартибга солувчи ҳалқаро нормалар билан бирхиллиги таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида лизинг шартномаси ижара шартномаси тизимида тартибга солинади. Фикримизча, лизинг шартномаларини тартибга солувчи нормалар Кодекснинг алоҳида бобида ўрин олиши мақсадга мувофиқидир. Чунки, ижара шартномасига оид хукукий нормалар лизингни тартибга солища унинг хукукий мезонини етарлича очиб беролмайди. Кодексда лизинг муносабатлари тартибга

солишда ижара нормаларини кераксиз тақорланишига олиб келмоқда.

3. Лизинг мулкига оид муносабатлар илмий-назарий таҳлил килиниб, унга кўра қонун нормаларидан келиб чикқан ҳолда, лизинг мулки ҳар қандай жисмоний шахсга эмас, балки факат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсга берилishi мумкин, деган холосага келинди. Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги конунининг 4-моддаси учинчи бандида лизинг оловчи сифатида эътироф этилган шахснинг хукукий мақомига аниқлик киритилиб, куйидагича талқин этилса, мақсадга мувофик бўлар эди: "Эгалик килиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини олаётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахс лизинг оловчи деб эътироф этилади".

4. Ишда лизинг компанияларига маблағлар жалб қилинишини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар берилган бўлиб, унга кўра амалдаги муаммоларни бартараф этиш йўлларидан бири республикада маҳсус имтиёзли жамғармаларни барпо этиш хисобланади. Улардан фойдаланишда энг истиқболли ва фойдали бўлган лизинг лойиҳаларини амалга ошириш учун тендер асосида маблағ тақдим этиш самарали натижা беради. Агар мазкур йўналиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилса, янги лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари этишмайдиган мавжуд лизинг компанияларига лизинг бозорида ўз мавқеларини саклаб қолиш ва лизинг фаолияти доирасини кенгайтириши имконини беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 596-моддаси ва "Лизинг тўғрисида"ги конунининг 6-моддаси кўшимча лизингта бағишлиланган. Бунда лизинг оловчи лизинг берувчи олдида моддий жавобгар бўлгани ҳолда, лизинг берувчининг ёзма розилиги билан обьектта вақтингчалик эгалик килиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга кўшимча лизингта топширишга ҳакли. Конунда мавжуд бўлган "ёзма розилик" Фуқаролик кодексида кайд этилмаган. Мазкур ибора Фуқаролик кодексига киритилса, конунчиликда бирхиллик таъминланган бўлар эди.

6. Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 18-моддасида лизинг обьектини сұғурталаш тарафларнинг келишувига, агар бу ҳакида келишув бўлмаса, сұғурта масаласи лизинг оловчи зиммасига юклатилиши кўрсатилган. Шартномада бу хусусида алоҳида шартлар киритилган бўлмаса, лизинг оловчи лизинг обьекти сұғуртаси учун жавобгар бўлади. Лизинг обьектини сұғурталаш харакатларини лизинг берувчининг зиммасига юклаш масаласини конунда белгилаб қўйиш лозим. Чунки, лизинг мулкига бўлган эгалик килиш хукуки шартнома муддати тугагунча лизинг берувчидаги сакланиб қолади.

7. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 599-моддасида "лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк хукуки лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганида лизинг шартномаси янги мулқдор учун ўз кучини саклаб қолади" деб белгиланган нормада янги мулқдорнинг хукуқлари чекланган деб хисоблайди. Чунки, у шартноманинг шартлари ва

талабларини ўзгартириши ёки кўшимча киритиши мумкин, юкоридаги қоида эса буни чеклайди. Шу боис мазкур моддага "бошқа шахсга ўтганда, янги мулкдор хоҳиши ёки розилиги билан лизинг шартномаси шартлари янги мулкдор учун ўз кучини саклаб қолади" деган кўшимча киритилса, ўринли бўлар эди.

8. Ҳозирги кунда республикамизнинг оғир ва енгил саноати, курилиш ва бошка турдаги ишлаб чиқарувчи корхоналарида ўз фаолиятларини олиб бориш ва ривожлантириш учун етарли маълағларга эга эмас. Демак, давлат томонидан мазкур соҳадаги лизинг берувчиларга нисбатан алоҳида тартибда имтиёзлар яратиш орқали мазкур муаммолар бартараф этиш лозим.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 598-моддасида лизинг олувчи олди-сотди шартномасига ўзгартириш ёки кўшимча киритиши тўгрисида лизинг берувчининг розилигини олиш тартибини белгилаб кўйиш лозим. Фуқаролик кодексининг 598-моддасининг 1-бандига асосан лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор кила олмайди. Шунингдек, лизинг олувчининг хоҳишига биноан олди-сотди шартномасига кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиш мақсадида лизинг берувчининг розилигини олиш тартиби кодексда белгилаб кўйилмаган.

10. Уй-жой кодексининг 89-моддаси номланишини "Туарар жойни кейинчалик сотиб олиш шарти билан аренданга ёки лизингга бериш" деб номлаб, мазкур моддани эса куйидагича талқин қилиш таклифи берилди: "Лизинг олувчи лизинг берувчининг розилиги билан лизингта берилган туарар жойни тўлалигича ёки кисман қонунларда ёки шартномада кўрсатилган шартлар асосида сотиб олиши мумкин. Туарар жойни аренданга ёки лизингта бериш ва сотиб олиш шартномаси тузилаётган, ўзгартирилаётган, бекор қилинаётганда юзага келадиган низолар суд тартибida кўриб чиқилади". Лизинг амалиётидан кўринадики, янги ташкил қилинган ташкилотлар, муассасалар, жамиятлар ва фирмалар томонидан иш фаолиятларини олиб бориш учун керакли бўлган офис биноларини лизингта олиш тўгрисида мурожаатлар кўпайиб бормоқда. Агар юкорида келтирилган таклифлар Уй-жой кодексига киритилса, кўчмас мулк лизинги ривожланишига жиддий туртки бўлиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўгрисида"ги ПФ-3122-сонли Фармонининг 1-банди учинчи хатбошисини куйидаги тартибда: "Лизинга бериш учун Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинадиган технология ускуналари, тракторлар, кишлок хўжалиги, мелиоратив, курилиш, тоғ-кон саноати техникалари хамда йўловчи ва юқ ташиш транспорти техникалари – вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда божхона тўловидан ва кўшилган киймат солиғидан озод қилинсин" деб белгиланса мақсадга мувоғик бўлар эди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳазратқулов О.Т. Молиявий ижара (лизинг)нинг хукукий тартибга солиниши // Хусусий хукук: фуқаролик хукукининг долзарб муаммолари. -Т.: ТДЮИ, 2003. – Б.245-248.
2. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларида юридик муаммолар // Ж. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –2003. –№3. –Б.14-20.
3. Ҳазратқулов О.Т. Молиявий ижара (лизинг) шартномаси // ТДЮИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –2003. –№4. –Б.226-233.
4. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг: унинг турлари // ТДЮИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –2003. –№5. – Б.169-174.
5. Ҳазратқулов О.Т. Иктисолий ривожланнишда лизинг (молиявий ижара) шартномасининг ўрни // Ж. Хўжалик ва хукук. –2003. –№ 6. –Б.22-25.
6. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларининг халқаро хукукий тартибга солиниши // "Гармонизация законодательства Республики Узбекистан и Европейского Союза" мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т.: ЖИДУ, 2004. – Б.84-89.
7. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларининг қиёсий-хукукий таҳдили // Ж. Хўжалик ва хукук. –2004. –№ 8. –Б.27-31.
8. Ҳазратқулов О.Т. Молиявий лизинг шартномасининг фуқаролик-хукукий мажбуриятлар тизимида ўрни // "Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ, 2004. –Б.158-163.
9. Ҳазратқулов О.Т. Молиявий лизинг шартномаси – шартноманинг алоҳида турими? // Ж. Ўзбекистон қонунчилиги таҳдили. –2004. –№ 4. –Б.45-49.
10. Ҳазратқулов О.Т. Шартномавий муносабатлар тизимида лизинг // ТДЮИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – 2005. –№1. – Б.82-86.
11. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг шартномасининг хукукий табиити // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси. –2005. –№4. –Б.40-42.
12. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг операцияларини таснифланиши // Хусусий хукук: фуқаролик хукукининг долзарб муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.27-30.
13. Ҳазратқулов О.Т. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда лизингнинг аҳамияти // "Ўзбекистонда кичик бизнес ривожининг хукукий муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.46-49.
14. Ҳазратқулов О.Т. Халқаро лизинг шартномаси // "Фуқаролик қонунчилигининг ривожланниши ва долзарб муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б.389-396.
15. Ҳазратқулов О.Т. Бозор иктисолиёт шароитида лизинг муаммоларини ҳал этиш тартиби // Ж. Ўзбекистон қонунчилиги таҳдили. –2005. –№ 3-4. –Б. 47-50.
16. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг шартномаси ташки иктисолий битимлар тизимида // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. –2006. – №1. –Б.37-39.

Юридик фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ҳазратқулов Одилбек Турсуновичнинг 12.00.03 – Фукаролик хукуки; оила хукуки; фукаролик жараёни; ҳалқаро хусусий хукуқ ихтиосолиги бўйича "Лизинг муносабатлари ва уларни хукукий тартибга солиш муаммолари" мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: "лизинг обьекти", "лизинг субъекти", "молиявий лизинг", "кайтарма лизинг", "ҳалқаро лизинг", "сублизинг", "шарномавий муносабат", "лизинг низолари", "лизинг турлари".

Тадқиқот обьектлари: лизинг муносабатларини хукукий тартибга солувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, "Лизинг тўғрисида"ги қонуни ва қонуности нормалари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: лизинг муносабатларига доир хукукий муаммоларни яхлит тарзда таҳлил этиш ва шу асосида миллый қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот усули: концептуал, муаммовий-мақсадли, қиёсий-хукукий, тарихий-хукукий, мантқий ёндашув ва хукукий нормаларни шарҳлашга асосланади.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, Ўзбекистон Республикасида илк бор лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилигининг хукукий муаммолари атрофлича тадқик этилган, шунингдек, лизинг шартномаси субъектларининг хукуқ ва мажбуриятлари, лизинг шартномаси шартномавий муносабатлари тизимида ўзига хос хусусиятга эга эканлиги таҳлил килинган, кўчмас мулк лизингини ривожлантириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан лизинг муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонун ижодкорлиги ва олий ўқув юртлари ўқув жараёнларида, шартнома тарафларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя килиш ҳамда лизинг компаниялари мутахассис-ходимларининг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самараадорлиги: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган, шунингдек муаллиф томонидан бажарилган илмий ишларда ўз аксини топган; берилган хулоса ва таклифлар суд ҳамда бошқа давлат органларининг қонунни кўллаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: илмий тадқиқотларда, хукукий амалиётда, хукукшунослар малакасини оширишда, қонун хужжатларини такомиллаштирища фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари илмий ишнинг натижаларидан "Фукаролик хукуки", "Ҳалқаро хусусий хукуқ", "Ҳалқаро савдо хукуки", "Шартнома хукуки", "Мажбурият хукуки" ўқув курсларини ўргатиш жараёнда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Хазраткулова Одилбека Турсуновича на тему: "Лизинговые отношения и проблемы их правового регулирования" на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.03. – Гражданское право; семейное право; гражданский процесс; международное частное право.

Ключевые слова: объект лизинга, субъект лизинга, финансовый лизинг, возвратный лизинг, международный лизинг, сублизинг, договорное отношение, лизинговые споры, виды лизинга.

Объекты исследования: Гражданский кодекс Республики Узбекистан, Закон "О лизинге" и подзаконные нормативно-правовые акты регулирующие лизинговые отношения.

Цель работы: комплексное исследование правовых проблем, относящихся к лизинговым отношениям и на основе этого разработка практических рекомендаций по совершенствованию национального законодательства.

Метод исследования: концептуальный, проблемно-целевой, сравнительно-правовой, историко-правовой, логический и комментарий правовых норм.

Полученные результаты и их новизна: новизна исследования заключается, в том, что впервые в Республике Узбекистан подробно изучены правовые проблемы законодательства регулирующего лизинговые отношения, а также проведен анализ договора лизинга в системе договорных отношений, прав и обязанностей его субъектов, в контексте развития действующего законодательства разработаны предложения по развитию лизинга недвижимости.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в процессе законотворчества направленной на развитие лизинговых отношений, в учебном процессе ВУЗов, а также в защите прав и законных интересов участников данного договора, в повышении квалификации специалистов лизинговых компаний.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования были представлены в Министерство юстиции Республики Узбекистан, а также опубликованы автором в научных трудах; выводы и рекомендации могут оказать положительное влияние на практику применения законов судами и государственными органами.

Область применения: результаты работы могут быть использованы в научных исследованиях, правовой практике, в повышении квалификации юристов, в совершенствовании законодательных актов.

Кроме того, результаты исследования могут быть задействованы в преподавании учебных курсов "Гражданское право", "Международное частное право", "Международное торговое право", "Договорное право", "Обязательственное право".

R E S U M E

Thesis of Khazratkulov Odilbek Tursunovich on the scientific degree competition of the doctor of science (philosophy) in law speciality 12.00.03 – Civil Law; Family Law; Civil Procedure; International Private Law, subject "Leasing Relations and Problems of their Legal Regulation"

Key words: "object of leasing", "subject of leasing", "financial leasing", "reverse leasing", "international leasing", "subleasing", "contractual relation", "leasing disputes", "types of leasing".

Objects of research: Civil Code, Law "On leasing", current subordinate legislation of the Republic of Uzbekistan that regulate leasing relations.

Objective of the research: complex analysis of legal problems on leasing relations and elaboration of practical recommendations on the improvement of national legislation.

Method of research: based on conceptual, problematic-purposely, comparative-legal, historical-legal, logical approach and interpretation of legal norms.

Obtained results and their novelty: legal problems of legislation that regulate leasing relations in the Republic of Uzbekistan are researched thoroughly. Also, rights and obligations of subjects of leasing contract, peculiarities of leasing contract in contractual relations are analyzed, suggestions are made on the improvement of legislation in order to develop real property leasing.

Practical significance: results of the research can be used in legislating process directed at the development of leasing relations, in protection of rights and legal interests of parties to contract and in improvement of qualifications of specialists of leasing companies.

Level of implementation and economic effectiveness: author's conclusions and recommendations in the future can be used in addition and amendment of Civil Code of the Republic of Uzbekistan and Law "On leasing" and in adoption of sub-laws.

Sphere of application: recommended fundamental and legal regulatory rules in this work can be used in further research activities, legal practice, raising the qualification of lawyers, legal experts and improving the Civil Code, Law "On leasing".

Besides, the results of the research can be used in teaching "Civil Law", "Private International Law", "International Trade Law", "Contractual Law" and "Obligation Law" subjects.



Босишига руҳсат этилди: 27.09.2006.
Хажми: 1,7 б.т. Адади: 120. Буюртма № 894.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.